



МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Каландарова Наргиза Наримановна -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Молиявий таҳлил ва аудит
кафедраси доценти, PhD

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a32

Аннотация. Мақолада молиявий таҳлил, унинг аҳамияти, мазмуни, мақсади, вазифалари, тамойиллари, имкониятлари ва уни халқаро стандартлар асосида ташкил этиш ҳамда унинг ривожланниш истиқболлари хорижий мамлакатлар амалиёти билан солиштирилган таҳлили ёритилган. Таҳлил натижалари бўйича мамлакатимизда молиявий таҳлилни ривожлантириш учун хуласалар ва тавсиялар шакллантирилган.

Ключит сўзлар: молиявий таҳлил, молиявий ҳисобот таҳлили, молиявий таҳлилнинг мақсади, вазифалари ва тамойиллари, молиявий таҳлилнинг имкониятлари.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕОРЕТИЧЕСКИХ ОСНОВ ФИНАНСОВОГО АНАЛИЗА

Каландарова Наргиза Наримановна -
PhD, Доцент кафедры «Финансовый анализ и аудит»
Ташкентского государственного экономического университета

Аннотация. В статье описывается финансовый анализ, его значение, содержание, цель, задачи, принципы, возможности и его организация на основе международных стандартов, а также анализ перспектив его развития по сравнению с практикой зарубежных стран. По результатам анализа сформированы выводы и рекомендации по развитию финансового анализа в нашей стране.

Ключевые слова: финансовый анализ, анализ финансовой отчетности, цель, задачи и принципы финансового анализа, возможности финансового анализа.

IMPROVEMENT OF THE THEORETICAL FOUNDATIONS OF FINANCIAL ANALYSIS

Kalandarova Nargiza Narimanovna -
PhD of the Department of "Financial analysis and auditing"
Tashkent State University of Economics

Abstract. The article describes financial analysis, its meaning, content, purpose, objectives, principles, opportunities and its organization on the basis of international standards, as well as an analysis of the prospects for its development in comparison with the practice of foreign countries. Based on the results of the analysis, conclusions and recommendations for the development of financial analysis in our country were formed.

Keywords: financial analysis, analysis of financial statements, purpose, objectives and principles of financial analysis, possibilities of financial analysis.

Кириш. Ўзбекистонда трансформациялаш шароитида молиявий таҳлилни халқаро стандартлар асосида ташкил этиш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига (МХХС) ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш талаб этилади [1].

Иқтисодий таҳлилнинг асосий йўналиши молиявий ҳисботларни таҳлил қилиш, объектив ва субъектив омиллар таъсирида корхона фаолиятини амалга оширишда шаклланадиган молиявий ҳолат ва молиявий натижаларни тадқиқ қилиш ва прогнозлаш тизимиdir.

Молиявий ҳисботнинг халқаро стандарт-

лари молиявий ҳисботларни тузиш учун ҳужжатлар тўплами, молиявий ҳисботларнинг тузилишини тартибга солувчи регламент бўлиб, ташқи фойдаланувчилар томонидан бирор-бир ташкилотга нисбатан иқтисодий қарор қабул қилиш учун фойдаланилади. Яъни оддий мисол тариқасида келтирсак, бу хорижий инвесторларни мамлакатимизда фаолият юритаётган ташкилотларнинг (компания, корпорация, акциядорлик жамиятлари) акциялари, қимматли қофзлари ва бошқа турдаги инвестиция жалб қилиши мумкин бўлган моддий бойликларнинг истиқболда ўсиши ёки пасайишини таҳлил қилиши учун зарур ахборотлар билан таъминлаш мумкин бўлади [2].

Шунингдек, молиявий ҳисботни ихтиёрий равища молиявий ҳисботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрлайдиган тадбиркорлик субъектлари бухгалтерия ҳисоби-

нинг миллий стандартлари бўйича молиявий ҳисобот тақдим этишдан озод этилиши белгилаб қўйилаётгани ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишда тармоқ ҳусусиятини ҳисобга олиш лозим, чунки бу таҳлил натижаларини тўғри баҳолаш ва самарали бошқарув қарорларини қабул қилишга ёрдам беради.

Адабиётлар таҳлили. Молиявий таҳлил бўйича “Молиявий ҳисобот таҳлили” (Иванова Л.И., Бобылева А.С., 2022) [3], “Молиявий ҳисобот таҳлили” (Вахрушина М.А., 2021) [4], “Комплекс иқтисодий таҳлил” (Никифорова Н.А., 2021)[5], “Корхонанинг молия-хўжалик фаолияти таҳлили ва диагностикаси” (Шеремет А.Д., 2017) [6], “Молиявий таҳлил” (Хасанов Б.А., 2022) [7], “Молиявий таҳлил” (Рахимов М.Ю., Каландарова Н.Н., 2019) [8], “Молиявий ҳисобот таҳлилининг методологик муаммолари” (Рахимов М.Ю., 2022) [9] каби бир қатор етук олимларимизнинг илмий тадқиқотларида мавзунинг долзарблиги, назарий жиҳатлари, хориж тажрибаси, амалдаги тартиби атрофлича ёритиб берилган бўлса-да, молиявий таҳлилининг методологияси етарлича очиб берилмаган.

“Молиявий ҳисобот таҳлили” (Иванова Л.И., Бобылева А.С., 2022) [3] ўкув қўлланмасида: “Молиявий ҳисобот таҳлили молиявий ҳусусиятга эга бўлган оммавий маълумотларга асосланган ва корхонанинг иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш ҳолати ва самарадорлигини баҳолаш, шунингдек, уни оптималлаштириш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш учун мўлжалланган таҳлилий жараёнлар йиғиндишидир”, – дея таъриф берилган. Молиявий ҳисобот таҳлилининг асосий ҳусусиятлари қўйидагилардан иборат:

мулкий ва молиявий ҳолатнинг умумий тавсифи;

тўлов қобилияти, молиявий барқарорлик, рентабелликни баҳолаш;

маълумотларнинг очиқлиги;

тактик ва стратегик қарорларни ахборот билан таъминлаш;

ҳар қандай фойдаланувчининг таҳлил натижалари билан танишиш;

ҳисоб-китобларнинг таркиби ва мазмунини бирлаштириш имконияти;

таҳлил натижаларининг юқори даражада ишончлилиги.

“Молиявий ҳисобот таҳлили” (Вахрушина М.А., 2021) [4] дарслигига: “Молиявий ҳисобот таҳлили объектив ва субъектив омиллар таъсирида корхонанинг иқтисодий фаолиятини амалга ошириш жараёнида шаклланадиган молиявий ҳолат ва молиявий натижаларни тадқиқ қилиш ва прогнозлаш тизимицир”, – дея фикр билдирилган.

“Комплекс иқтисодий таҳлил” (Никифорова Н.А., 2021) дарслигига: “Молиявий таҳлил иқтисодий таҳлилнинг бир қисми бўлиб, корхонанинг молиявий ҳисобот маълумотлари асосида объектив ва субъектив омиллар таъсирида молиявий ҳолати ва унинг молиявий натижаларини ўрганишидир”, – деб таърифланган.

“Молиявий ҳисобот таҳлилининг методологик муаммолари” (Рахимов М.Ю., 2022) [9] монографиясида: “Молиявий ҳисобот таҳлили корхона ва ташкилотлар молиявий-хўжалик комплекс баҳо бериш орқали бошқарув самарадорлигини ошириш ва инвестиция учун имкониятларни аниқлаш, молиявий ҳолат ва унинг келгусидаги қутилишларини прогноз қилиш воситасидир. Молиявий ҳисоботларни таҳлил қилишнинг асосий йўналишлари:

ҳисобланган кўрсаткичлар тенденцияларини аниқлаш;

корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини тавсифловчи микдорий ва сифат кўрсаткичларини ҳисоблаш;

алоҳида ҳисобланган кўрсаткичларни нормалар ва тавсия этилган кўрсаткичлар билан тақослаш;

омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда, вақт ва давр учун корхонанинг ўртача молиявий ҳолатини баҳолаш;

молиявий коэффициентларни прогноз таҳлили асосида корхонанинг ривожланиш истиқболларини баҳолаш”, – деб айтиб ўтилган.

Юқоридаги олимлар ўз тадқиқотларида таҳлил, иқтисодий таҳлил, молиявий таҳлил, молиявий ҳисобот таҳлили тушунчаларига атрофлича фикр билдиришган. Шу билан бирга, молиявий таҳлилининг назарий асосларини очиб беришган. Аммо молиявий таҳлилининг методологияси чуқур ўрганилмаган. Мақолада ҳар битта олимнинг фикрлари атрофлича ўрганилиб, таҳлил қилинган.

Тадқиқот методологияси. Мазкур тадқиқотда бир қатор он-лайн маълумотлар базаларидаги илмий манбаларда ўз аксини топган молиявий таҳлил методологиясини такомиллаштириш масалаларига тааллуқли тадқиқотлар ўрганилди ва улардаги илмий ёндашувлар тизимлаштирилди. Шунингдек, мақолада тизимли таҳлил, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, монографик таҳлил ва бошқа тадқиқот усусларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Интеграция жараёнларида хўжалик юритувчи субъектларнинг бизнес режасини самарали тузиши энг асосий вазифалардан биридир. Бунда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатини ўрганиб, таҳлил қилиб, баҳолаш энг асосий жиҳат ҳисобланади. Шу сабабли молиявий таҳлил ҳозирги кундаги замонавий ва энг асосий фанлар-

дан бири ҳисобланади. Чунки хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш орқали уларнинг мол-мулки, капитали, мажбуриятлари, даромад ва харожатлари, фойда ва зарари, пул оқимларига баҳо берилади.

Молиявий таҳлил хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий маълумотларини таҳлил қилиш ва баҳолаш орқали уларнинг фаолиятини яхшилаш бўйича тавсиялар бериш ҳамда прогноз қилишдир.

Бу ишларни хўжалик юритувчи субъектларда молиявий таҳлилчилар амалга оширади. Улар хўжалик юритувчи субъектларнинг маълумотларини таҳлил қиласди ва хўжалик юритувчи субъектларнинг келажакда қандай ишлаши бўйича таклиф ва тавсиялар беради.

Молиявий ҳисобот таҳлилининг мақсади хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобот ва таҳлил вақтидаги натижаларини баҳолаш, келажакдаги салоҳиятини баҳолаш, ҳамда келгусидаги ривожланишини прогноз қилишдир [10].

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисбботларининг таҳлили қуидагиларга имкон беради:

хўжалик юритувчи субъектларнинг кучли ва заиф томонларини аниқлаш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг самарадорлигини ошириш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг келажакдаги фаолиятини прогноз қилиш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг стратегик қарорлари оқибатларини олдиндан билish;

хўжалик юритувчи субъектларнинг маркетинг дастури ҳаракатларини баҳолаш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг келажакдаги молиявий ҳолатига ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг таъсирини аниқлаш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини бир тармоқдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг самарадорлиги билан солишириш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатидаги тенденцияларни баҳолаш [11].

Молиявий таҳлилнинг асосий вазифалари:
хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкий ҳолатини баҳолаш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатини баҳолаш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг тўлов қобилияти ва ликвидлигини баҳолаш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг рентабеллигини баҳолаш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларини шакллантиришни таҳлил қилиш;

хўжалик юритувчи субъектлар фойдаси-

нинг тақсимланиши ва ишлатилишини таҳлил қилиш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг бозордаги мавқеи ва унинг рақобатбардошлигини таҳлил қилиш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг иш активлиги (товар айланмаси, рентабеллик) кўрсаткичларини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатини ҳар томонлама баҳолашни амалга ошириш;

молиявий натижаларни яхшилаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатини яхшилашга қаратилган тавсияларни таклиф қилиш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижалари ва молиявий ҳолатини башорат қилиш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг режалаштирилган молиявий тадбирлар, дастурлар ва режаларни амалга ошириш даражасини баҳолаш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг аниқланган камчиликларини бартараф этиш ва молиявий ресурслар рентабеллигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирларни баҳолаш.

Иқтисодий адабиётларда молиявий таҳлилнинг асосий тамойилларига қуидагилар киради [12]:

1) изчилилк принципи – ишлаб чиқариш жараёнида ёки хизматлар кўрсатишда иштирок этадиган турли бўлимлар ва бўлимлар мажмуси, тизим сифатида хўжалик юритувчи субъект фаолиятини ўрганишни назарда тутади. Молиявий таҳлилнинг изчилилги макродаражада ҳам намоён бўлади, бунда корхона йирикроқ иқтисодий тизимнинг (минтақа, тармоқ ва шу кабилар) элементи сифатида қаралади;

2) илмийлик принципи – ўрганилаётган ҳодисанинг иқтисодий моҳиятини очиб бериш, уни барча мавжуд илмий усууллар ва таҳлил қилиш тартибларини кўллаш орқали баҳолашни ўз ичига олади;

3) мураккаблик принципи – ўрганилаётган обьектни ҳар томонлама ўрганиш, унинг таркибий элементлари ва уларнинг бир-бiri билан ўзаро таъсирини, яъни обьектга турли хил ташқи ва ички омилларнинг таъсирини ўрганишни талаб қиласди;

4) мунтазамлик принципи – хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарияти олдида турган мақсад ва вазифаларга қараб ҳар бир ўрганиш обьекти учун таҳлил қилиш вақт оралигини танлашни назарда тутади. Таҳлил муайян вақт оралиғида ёки доимий равишида амалга оширилиши мумкин;

5) ўзига хослик принципи – таҳлилнинг

мақсадли йўналиши ва мақсадлилигида амалга оширилади, яъни мақсадлар, вазифалар, зарур воситаларни амалга ошириш учун, иложи борича аниқ ва қулай бўлиши учун махсус ва ихчам шакллантирилган;

6) холислик тамоили – ўрганилаётган обьектлардаги ўзгаришларнинг сабабларини тўлиқ очиб бериш орқали таҳлил натижаларига асосланган хulosаларни исботлашни назарда тутади. Ушбу тамоилни молиявий таҳлил жараёнида қўллаш, олинган маълумотларни шарҳлашда ҳар қандай субъективликни минималлаштириш жуда муҳимdir;

7) узлуксизлик тамоили – таҳлилий ишнинг ягона тамоилларига риоя қилиш, турли даврларда турли мавзули таҳлиллар асосида тузилган хulosаларни солиштиришни назарда тутади;

8) тежамкорлик принципи – таҳлилий ишнинг қиймати ва иш ҳажми у берадиган самараға мутаносиб бўлиши кераклигини таклиф қиласди;

9) эҳтиёткорлик принципи – ишончли, тасдиқланган маълумотлардан фойдаланишини ўз ичига олади, чунки таҳлил туридан қатъи назар, ҳар қандай таҳлилий жараёнлар натижалари бошқарув қарорини қабул қилиш учун шубҳасиз далил бўла олмайдиган субъектив баҳолашлар сифатида кўриб чиқилиши керак;

10) дастурлилик принципи – унда белгиланган мақсадлар ва кутилаётган натижаларни тушуниш учун аниқ таҳлил дастури мавжудлигини назарда тутади;

11) жойлаштириш принципи – энг муҳим жиҳатларни танлаш ва муҳим бўлмаганларни рад этиш билан “умумийдан хусусийга” ҳисобкитоблар алгоритмидан фойдаланишини ўз ичига олади;

12) оғишларни баҳолаш принципи – кўрсаткичларнинг меъёрий, режали ёки тармоқ ўртача қийматларидан ҳар қандай сезиларли оғишлар ва уларнинг ўзгариши тенденциялари ижобий бўлса ҳам тушунтирилиши ва диққат билан таҳлил қилиниши кераклигини англатади;

13) таҳлилий воситаларнинг етарлилиги принципи – таҳлилни ўтказишида таҳлилий воситаларни танлаш унинг мақсадга мувофиқлиги ғоясига асосланиши кераклигини англатади, чунки мураккаб воситалар ва усуллардан фойдаланиш ҳали ҳам яхшироқ баҳолаш ва баҳолашни кафолатламайди;

14) ҳисоб-китобларда мақбул аниқлик принципи – таҳлилни ўтказишида тенденцияларни аниқлаш энг катта аҳамиятга эга эканлигини ва жуда аниқ баҳоларни олмасликни кўрсатади, бу кўпинча принципиал жиҳатдан бундай бўлиши мумкин эмас;

15) мақсадга мувофиқлик принципи – таҳлил жараёни олинган натижаларни умумлаштириш ва уларнинг сони кўп бўлмаслиги керак бўлган тегишли хulosалар ва тавсияларни шакллантириш билан якунланиши кераклигини таклиф қиласди.

Кўриб чиқилган тамоиллар таҳлилий иш тизимининг асосини ташкил қиласди. Ҳар қандай бошқарув қарорини қабул қилишдан олдин, одатда, маълум таҳлилий жараёнлар натижаларига асосланган маълум бир асослаш мавжуд. Бундай тартибларнинг маъноси ва аҳамияти, айниқса, бизнесда оддий арифметик амаллар ёки бир қатор аналитик кўрсаткичларни ҳисоблаш доирасидан анча ошибб кетади.

Шундай қилиб, молиявий таҳлил жараёнида шуни эсда тутиш керакки, мавжуд усуллар ва воситалар тўпламидан фойдаланиб, кўпинча бир-бирига зид келадиган турли хил натижаларга эришиш мумкин. Бундай ҳолда амалга оширилган таҳлилий жараёнлар натижаларини мутлақлаштирумаслик керак, улар муайян бошқарув қарорини қабул қилишни асословчи ҳақиқий далиллар сифатида қаралмаслиги керак, улар ҳар хил турдаги субъектив баҳолашлар билан тўлдирилиши керак.

Мақолада молиявий таҳлилнинг назарий асослари, яъни молиявий таҳлилнинг аҳамияти, мазмуни, мақсади, вазифалари, тамоиллари, имкониятлари ва уни халқаро стандартлар асосида ташкил этиш ҳамда унинг ривожланиш истиқболлари хорижий мамлакатлар амалиёти билан таққосланиб ёритиб берилган. Шу билан бирга, молиявий ҳисббот таҳлили орқали нафақат бўлиб ўтган жараёнларнинг самарадорлиги ва натижавийлигига баҳо берилади, балки уларнинг келгусидаги кутилишлари ҳам башорат қилинади.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги маълумотлар асосида шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда корхоналар молиявий ҳолатини таҳлил қилиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги тавсияларни бериш мумкин:

молиявий таҳлил юзасидан ягона терминология келиш ҳамда аниқланадиган таҳлилий кўрсаткичларни бир хил номлаш лозим;

молиявий ҳисбботларни халқаро стандартларга тўлиқ ўтиш ҳамда уларни таҳлил қилиш эҳтиёжларига мослаш лозим;

молиявий таҳлил методикасини қайтадан ишлаб чиқиш лозим.

молиявий таҳлилда фойдали бўлган муҳим кўрсаткичларни аниқлаштириш лозим.

Корхона бошқарувига баҳо бериш ҳамда молиявий ҳолатнинг айрим кўрсаткичларини прогнозлаш молиявий ҳисбботнинг таҳлили орқали амалга оширилади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сонли “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”зи қарори.
2. Қурбонбоев М. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш афзаллиги нимада? 2020. <http://www.adolatgzt.uz/tribune/5884>, №9.
3. Иванова Л.И., Бобылева А.С. Анализ финансовой отчетности. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2022. – 332 с.
4. Вахрушина М.А. и другие. Анализ финансовой отчетности. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2021. – 434 с.
5. Никифорова Н.А. Комплексный экономический анализ. Учебник. – М.: КНОРУС, 2021. – 440 с.
6. Шеремет А.Д. Анализ и диагностика финансово-хозяйственной деятельности предприятия. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2017. – 374 с.
7. Xasanov B.A. va boshqalar. Moliyaviv tahlil. Darslik. – T.: Iqtisodiyot, 2022. – 722 b.
8. Raximov M.Yu., Kalandarova N.N. Moliyaviv tahlil. Darslik. – T.: Iqtisod-moliya, 2019. – 736 b.
9. Raximov M.Yu. Moliyaviv hisobot tahlilining metodologik muammolari. Monografiya. –T.: Iqtisod-moliya, 2022. –274 b.
10. Шеремет А.Д., Козельцева Е.А. Финансовый анализ. Учебно-методическое пособие. – М.: Экономический факультет МГУ имени М.В.Ломоносова, 2020. – 200 с. ISBN 978-5-906932-29-7.
11. Бригхэм Ю., Эрхардт М. Финансовый менеджмент. 10-е изд. / Пер. с англ. под ред. Е.А.Дорофеева. – СПб.: Питер, 2009. – 960 с. ISBN 978-5-94723-537-1.
12. <https://corporatefinanceinstitute.com/resources/accounting/types-of-financial-analysis/>

**МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ (МҲХС) АСОСИДА
МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**



 https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a33

**Абдусаломова Нодира Баходировна -
ТДИУ Бухгалтерия ҳисоби кафедраси
мудири, иқтисодиёт фанлари
доктори (Dsc), профессор**

Аннотация. Ушбу мақолада муаллиф молиявий ҳисобот ва корхонада МҲХС асосида ҳисобни ташкил этиш назарияси ва амалиётини таҳлил қилиб, моливий ҳисоботларни МҲХСга мувофиқ юритиш ва тақдим этишининг ўзаро боғлиқ муаммоларини ёритган ва ушбу муаммоларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқкан. Шунингдек, МҲХС ва БҲМС талабалари бўйича алоҳида бухгалтерия ҳисоби объектларининг қиёсий таҳлили келтирилган бўлиб, МҲХСга мувофиқ молиявий ҳисоботларни трансформация қилиш методикаси ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: молиявий ҳисобот, халқаро стандартлар, бухгалтерия ҳисоби, компания, трансформация, активлар, капитал, мажбуриятлар, инвесторлар, ҳисоб сиёсати, солиқ сиёсати.

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ ТРАНСФОРМАЦИИ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ НА
ОСНОВЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ (МСФО)**

**Абдусаломова Надира Баходировна -
Заведующая кафедры «Бухгалтерский учет» в ТГЭУ
доктор экономических наук, профессор**

Аннотация. В данной статье автор проанализировал теорию и практику составления финансовой отчетности и организации бухгалтерского учета на предприятии на основе МСФО, выделил взаимосвязанные проблемы ведения и представления финансовой отчетности в соответствии с МСФО, а также разработал предложения и рекомендации по их устранению. Также представлен сравнительный анализ отдельных объектов учета по требованиям МСФО и НСБУ и разработана методика трансформации финансовой отчетности по МСФО.

Ключевые слова: финансовая отчетность, международные стандарты, бухгалтерский учет, компания, трансформация, активы, капитал, обязательства, инвесторы, учетная политика, налоговая политика.

**IMPROVEMENT OF THE SYSTEM OF TRANSFORMATION OF FINANCIAL REPORTING ON THE
BASIS OF INTERNATIONAL FINANCIAL REPORTING STANDARDS**

**Abdusalomova Nodira Bahodirovna -
Head of the Department of Accounting, TSUE,
doctor of economic sciences, professor**

Annotation. In this article, the author analyzed the theory and practice of preparing financial statements and organizing accounting at an enterprise based on IFRS, identified the interrelated problems of maintaining and presenting financial statements in accordance with IFRS, and also developed proposals and recommendations for their elimination. A comparative analysis of individual accounting objects according to the requirements of IFRS and NAS is also presented, and a methodology for transforming financial statements in accordance with IFRS is developed.

Key words: financial reporting, international standards, accounting, company, transformation, assets, capital, liabilities, investors, accounting policy, tax policy.